

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан norma.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.

ПЭТ ЧИКИТЛАРИНИ ОЛИБ ЧИҚИШ ТАҚИҚЛАНДИ

2013 йилнинг 1 сентябридан бошлаб полиэтилен-терефталат (ПЭТ) чикитлари ва иккиламчи хом ашёсини республикадан ташқарига олиб чиқиб кетиш тақиқланади. Бу тартиб Президентнинг 8.08.2013 йилдаги «Иккиламчи полимер хом ашёси экспортини тартибга солиш тўғрисида»ги ПФ-4553-сон Фармони билан белгиланган.

ПЭТ чикитлари, қийқиндилари ва скрап (қиринди)лари Президентнинг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сон Фармони билан тасдиқланган Экспорт қилиш тақиқланган буюмлар ва маҳсулотларнинг рўйхатида киритилди. ПЭТ чикитлари ва иккиламчи хом ашёсини олиб чиқиб кетишни тақиқлаш чораси мамлакатимизда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун зарур хом ашё базасини шакллантириш, республика корхоналарида иккиламчи полимер хом ашёсини янада тўлиқ ва самарали қайта ишлаш, шунингдек атроф муҳит хавфсизлиги ва муҳофазасини таъминлаш мақсадида қабул қилинди.

СОХТА БАНКРОТЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Сохта банкротлик ҳолатларни ўз вақтида аниқлашнинг самарали механизмини яратиш ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий аҳволи барқарорлиги юзасидан уларнинг раҳбарлари ва мулкдорларининг масъулиятини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 14.08.2013 йилдаги 224-сон қарори билан Сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш қоидалари тасдиқланди.

Қоидаларда сохта банкротлик, банкротликни яшириш, қасддан банкротликка олиб келиш тушунчалари ва аломатлари берилиб, ушбу аломатларни аниқлашга доир чораларни кўриш тартиби белгиланган.

Суд бошқарувчиси ва давлат солиқ инспекциялари ходимлари Қоидаларга мувофиқ қарздорнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятини таҳлил қиладилар. Суд бошқарувчиси томонидан банкротлик тўғрисида иш кўзгатишдан олдинги 2 йилгача бўлган даврдаги фаолият Қоидаларда келтирилган ҳужжатлар ва маълумотлар асосида таҳлил қилинади.

Суд бошқарувчиси маълумотлар ва ҳужжатларни ўрганиш учун аудиторлик ва баҳолаш ташкилотларини жалб этиш ҳуқуқига эга.

Қарздорнинг уни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан ҳўжалик судига мурожаат қилган санада пул мажбуриятлари бўйича кредиторларнинг талабларини қондириш ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини тўлиқ ҳажмда бажариш имкониятининг мавжудлиги сохта банкротлик аломати ҳисобланади.

Банкротликни яшириш ҳўжалик юритувчи субъект томонидан ўзининг тўловга қобилиятсизлигини яширишда вужудга келади ҳамда шахс талабни қондириш ёки тўлашдан бош тортишга уринаётган қарзга ёки ҳар қандай турдаги қарздорликка нисбатан қўлланилади.

Қарздорнинг кредиторлар талабларини қондиришдан қасддан бош тортиши, шунингдек ҳақиқатга мос келмайдиган маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этиши, бухгалтерия ҳисоботларини бузиб кўрсатиши ёки ўзининг иқтисодий ночорлигини бошқача тарзда беркитишга қаратилган хатти-ҳаракатлари банкротликни яширишнинг мажбурий аломати ҳисобланади.

Қарздорнинг қасддан банкротликка олиб келиш аломатлари бунинг натижасида қарздорнинг банкротлиги юзага келишини олдиндан билган ҳолда қуйидаги хатти-ҳаракатларни содир этишида ифодаланади:

пул маблағларидан ва бошқа мол-мулкдан қарздорга қасддан зиён ёки зарар етказган ҳолда жиноий тарзда

фойдаланиш;

тўлов интизомини бузиш ва шартнома мажбуриятларини бажармаслик;

мол-мулкни баланс қийматидан паст нархда сотиш ёки уни текин бериш;

муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзларини ундириш бўйича белгиланган муддатларда чоратадбирлар кўрмаслик;

асосий фаолиятга (ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишга) жалб этилган қарздор активларининг 50 фоиздан ортигини бошқа шахсларга бериш;

ижро этувчи орган ва/ёки кузатув кенгаши томонидан тегишли равишда уларнинг ваколатига кирмайдиган йирик битимлар тузиш.

Таҳлил натижалари бўйича суд бошқарувчиси томонидан сохта банкротлик, банкротликни яшириш ёки қасддан банкротликка олиб келиш аломатлари мавжудлиги тўғрисидаги хулоса ёхуд ушбу аломатларнинг мавжуд эмаслиги тўғрисидаги хулоса тузилади.

Агар бундай аломатлар аниқланмаса, хулоса кредиторлар йиғилишига ва ҳўжалик судига тақдим этилади, агар ушбу аломатлар аниқланса – хулоса прокуратура органларига ҳам тақдим этилади, бу эса айбдор шахсларни қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш билан боғлиқдир.

Қоидаларга мувофиқ, суд бошқарувчисининг хулосаси ҳўжалик судининг мурожаатига мувофиқ Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг доимий ишловчи Комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИ ТИЗИМЛАШТИРИЛДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 15.08.2013 йилдаги «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чоратадбирлари ҳақида»ги 225-сон қарори билан Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар рўйхати ва Ваколатли органлар томонидан берилган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар реестрларини юритиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Рўйхат қулай тарзда тизимлаштирилган, тадбиркорлик фаолияти соҳалари бўйича бўлимларга ажратилган жадвал шаклига эга. Масалан, савдо соҳасида 6 та рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ёки тартиб-таомиллар назарда тутилган; реклама фаолиятида эса – 2 та.

Жадвалда қуйидаги маълумотлар мавжуд: рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат ёки тартиб-таомил номи;

номи келтирилган ҳужжат билан уларни амалга ошириш рухсат этилган фаолият;

рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш ваколатига эга бўлган, яъни унга тадбиркор мурожаат этиши керак бўлган инстанция.

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш ваколатига эга бўлган давлат органлари ушбу ҳужжатлар

реестрини юритишлари шарт.

Реестр ҳамма у билан танишиши учун очик бўлиб, қоғозда ва электрон шаклда юритилади ва ваколатли органларнинг расмий веб-сайтларида жойлаштирилади.

Қоғоздаги ва электрон манбалардаги ёзувлар ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлган тақдирда қоғоз манбалардаги ёзувлар устувор аҳамиятга эга бўлади.

Реестрдаги мавжуд маълумотлардан умумий равишда фойдаланилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар берилган аниқ тадбиркорлик субъектлари тўғрисидаги маълумотлар сўровга асосан тегишли реестрдан кўчирма тарзида берилади. Реестрдаги мавжуд маълумотларни тақдим этиш муддати ваколатли орган томонидан тегишли сўров олинган кундан бошлаб бир иш кунидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИНИНГ ЯНГИ РЎЙХАТИ

Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, ТИАИСВ ва ДБҚнинг қўшма қарори (АВ томонидан 12.08.2013 йилда 2500-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган истеъмол товарларининг рўйхати тасдиқланди. Илгари амал қилган, АВ томонидан 9.09.2008 йилда 1853-сон билан рўйхатдан ўтказилган Рўйхат ўз қучини йўқотди.

Рўйхатни қўллашга бир нечта ҳужжатлар асос бўлган. Унга келтирилган изоҳга қўра Рўйхатнинг амал қилиши қуйидагиларга татбиқ этилади:

Президентнинг 11.07.2002 йилдаги ПФ-3105-сон Фармони 2-бандига мувофиқ, юридик шахслар томонидан олиб келинадиган истеъмол товарларига нисбатан божхона тўловларини тўлаш бўйича имтиёзларни бекор қилишда. Ушбу банд юридик шахслар томонидан истеъмол товарлари олиб кирилганда божхона тўловларини тўлашга доир имтиёзларни 2002 йил 1 августдан бошлаб бекор қилишни назарда тутди;

Вазирлар Маҳкамасининг 19.07.2002 йилдаги 257-сон қарори 2-бандига мувофиқ товар-хом ашё биржаларида импорт шартномаларини тузишни тақиқлашда. Кўрсатиб ўтилган бандда республикага истеъмол товарларини олиб келиш назарда тутилган товар-хом ашё биржаларидаги битимларни амалга ошириш тақиқланган;

Қўллаш учун йўриқнома

ИШДАН «МОДДАГА АСОСАН» БЎШАТАМИЗ

Иш берувчи ходимни меҳнат вазифаларини бузганлик учун ишдан бўшатиш ҳуқуқига эга. Меҳнат муносабатларини бекор қилиш учун асос бўлиб мунтазам равишда ёки бир марта қўпол тарзда меҳнат вазифаларини бузиш ҳисобланиши мумкин (Меҳнат кодекси 100-моддаси иккинчи қисмининг 3 ва 4-бандлари). Бироқ кадрлар бўлими ходимлари ва юристлар «моддага асосан» ишдан бўшатиш қанчалик муаммоли бўлишини билади – бунинг учун қўллаб расмиятчиликларга риоя этиш лозим. Ушбу масалани омилкорлик билан ҳал этишда сизга эксперт-юристимиз Абдусалом РИСКҲУЛЛАЕВ тайёрлаган амалий қўлланма ёрдам беради.



3-бетда

5-6-бетларда

ИМТИЁЗНИ ПРЕЗИДЕНТ БЕЛГИЛАДИ

Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар ва омилларни яратиш, ушбу асосда ОАВ мустақиллигини таъминлаш, ахборот соҳасини ривожлантиришда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамият назоратини ўрнатишда уларнинг ролини ошириш мақсадида Президентнинг «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги қарори (30.12.2011 йилдаги ПҚ-1672-сон) 4-бандига мувофиқ 2012 йил 1 январдан бошлаб кичик корхоналар тоифасига мансуб ОАВ таҳририятлари ходимларининг ўртача йиллик чекланган сони 100 нафаргача оширилди.

Президентнинг мазкур қарорини ижро этиш учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан 14.06.2013 йилда 172-сон қарор қабул қилинди, мазкур қарорга мувофиқ Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясига (Вазирлар Маҳкамасининг 11.10.2003 йилдаги 439-сон қарори билан тасдиқланган) ўзгартириш киритилди, яъни 583-сатрнинг «Кичик корхоналар» устундаги «11–25» рақамлари «11–100» рақамлари билан алмаштирилди.

Шу муносабат билан, агар Президентнинг ПҚ-1672-сон қарорига биноан бу меъёр 2012 йил 1 январдан жорий қилинган, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2013 йил 14 июнда унга тузатишлар киритилган бўлса, қайси пайтдан бошлаб ОАВ, аниқроғи, кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобланувчи телерадиоэшиттириш компаниялари ўз ходимлари сонини 100 нафаргача оширишга ҳақли эканлигини тушунтириб берсангиз.

М.Бекмуҳаммедов,

ЗОАВМА ижрочи директори.

– Аввало шуни таъкидлаш жоизки, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонун (14.12.2000 йилдаги 160-II-сон, 24.12.2012 йилдаги ЎРҚ-342-сон Қонун таҳририда, кейинги ўринларда – 160-II-сон Қонун) 16-моддасига мувофиқ ҳар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўзига нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлиши шарт. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида тафовут бўлган тақдирда эса юқори юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қўлланилади. Турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг уларнинг юридик кучи бўйича нисбати Конституцияга, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилган органларнинг ваколатига ва мақомига, ушбу ҳужжатларнинг турларига, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган санага мувофиқ белгилади.

Чунинчи, 160-II-сон Қонуннинг 10 ва 11-моддаларига асосан Президентнинг қарори Вазирлар Маҳкамасининг қарорига нисбатан юқори юридик кучга эга бўлади. Тегишинча, Вазирлар Маҳкамасининг қарори Президентнинг қарорига мувофиқ келиши керак.

Шунингдек, 160-II-сон Қонуннинг 36-моддасига мувофиқ янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганлиги муносабати билан илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга зарур ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритилади ва илгари қабул қилинган барча ҳужжатлар ёки уларнинг қисмлари, агар улар янги ҳуқуқий нормаларга зид бўлса ёхуд янги ҳужжат билан тўлалигича қамраб олинган ёки амалда ўз аҳамиятини йўқотган, лекин расман ўз кучини йўқотган деб топилмаган бўлса, ўз кучини йўқотган деб топилиши керак.

Ҳақиқатан ҳам, 2012 йил 1 январдан 2013 йил 14 июнгача бўлган даврдаги иккита норматив-ҳуқуқий ҳужжат – Президентнинг 30.12.2011 йилдаги ПҚ-1672-сон қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 11.10.2003 йилдаги 439-сон қарорига кичик корхоналар тоифасига мансуб телевидение ва радиоэшиттириш таҳририятлари (телевидение ва радиоэшиттириш оммавий ахборот воситалари ҳисобланади) ходимларининг ўртача йиллик чекланган сони меъёрида номувофиқлик бўлган.

Вазирлар Маҳкамасининг 11.10.2003 йилдаги 439-сон қарори меъёрларини Президентнинг 30.12.2011 йилдаги ПҚ-1672-сон қарорига мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 14.06.2013 йилдаги 172-сон қарори қабул қилинди, унинг муқаддимасидаги Президентнинг ПҚ-1672-сон қарорига ҳавола ҳам

шундан далолат беради. Бунини мазкур икки ҳужжатдаги меъёрларнинг 2012 йил 1 январдан бошлаб бирига мувофиқ келмаслиги ҳам тасдиқлайди.

Президент қарори Вазирлар Маҳкамасининг қарорига нисбатан юқори юридик кучга эга бўлганлиги боис, кўрсатиб ўтилган даврда Президентнинг 30.12.2011 йилдаги ПҚ-1672-сон қарори қўлланилиши лозим. Телевидение ва радиоэшиттириш таҳририятлари ходимларининг ўртача йиллик сони белгиланган Вазирлар Маҳкамасининг 11.10.2003 йилдаги 439-сон қарорининг меъёри ушбу даврда амалда ўз мазмун-моҳиятини йўқотган ҳисобланади.

Юқорида айтиб ўтилганлардан келиб чиқиб, Президентнинг 30.12.2011 йилдаги ПҚ-1672-сон қарорининг 4-бандига белгиланганидек, Вазирлар Маҳкамасининг 11.10.2003 йилдаги 439-сон қарорига киритилган ўзгартиришлар санасидан қатъи назар, 2012 йил 1 январдан бошлаб кичик корхоналар тоифасига мансуб оммавий ахборот воситалари таҳририятлари, жумладан телевидение ва радиоэшиттириш, нашриёт ва босма хоналар ўз ходимларининг ўртача йиллик чекланган сонини 100 нафаргача оширишга ҳақлилар.

Абдурахмон БАХТИЕВ,
эксперт-юристимиз.

МЧЖни 3 нафар жисмоний шахс таъсис этдилар. Уларнинг 2 нафари эр-хотинлардир. Хотин учинчи иштирокчининг (қариндош эмас) имтиёз ҳуқуқини ҳисобга олмасдан, ўз улушини эрига бермоқчи. Қонун ҳужжатлари МЧЖдаги улушнинг эр-хотин ўртасида ўтишининг «соддалаштирилган» тартибини назарда тутиладими? Ёки улуш ўтишининг умумий тартибига риоя этилиши керакми?

ЭР-ХОТИН ЎРТАСИДА УЛУШ ЎТСА...

– «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонун (6.12.2011 йилдаги 310-II-сон) 20-моддасига мувофиқ жамият иштирокчиси жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) ўз улушини ёхуд унинг бир қисмини МЧЖнинг бир ёки бир неча иштирокчисига сотишга ёки ўзга тарзда улар фойдасига воз кечишга ҳақлидир. Бундай битимни тузиш учун, агар МЧЖ уставида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, жамиятнинг ёки жамият бошқа иштирокчиларининг розилиги талаб қилинмайди.

Улушга (улушнинг бир қисмига) мулк ҳуқуқи бир жисмоний шахс томонидан бошқа жисмоний шахсга олди-сотди, алмаштириш, ҳадя шартномаси ёки ўзга шахсга беришнинг бошқача битимига асосан берилиши мумкин. Бунда шуни ҳисобга олиш лозимки, агар жамият иштирокчисининг улуши тўлиқ тўланмаган бўлса, у фақат тўланган қисмида бошқа шахсга берилиши мумкин.

Қонунда белгиланишича, МЧЖ иштирокчилари жамият иштирокчисининг улушини сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқдан, агар жамиятнинг уставида мазкур ҳуқуқни амалга оширишнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлмаса, фақат иштирокчи ўзининг улушини учинчи шахсга, яъни мазкур МЧЖ иштирокчиси бўлмаган шахсга сотиш ниятида бўлсагина, фойдаланадилар.

Шу муносабат билан сизнинг ҳолатингизда МЧЖнинг учинчи иштирокчисига улушни сотиб олишнинг имтиёзли ҳуқуқи юзага келмайди. Агар жамият уставида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, эр-хотиннинг бири (МЧЖ иштирокчиси) ўз улушини эр-хотиннинг иккинчисига (мазкур МЧЖ иштирокчисига) сотишга ёки ўз улушини бошқа шахсга беришни бошқача тарзда амалга оширишга ҳақлидир. МЧЖнинг учинчи иштирокчиси ёки жамиятнинг бундай битимни амалга оширишга розилиги талаб қилинмайди.

Улушни айнан эрга беришнинг бирор-бир алоҳида тартиби қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган. Чамаси, ҳеч қандай хусусиятларнинг белгиланиши мумкин ҳам эмас, чунки МЧЖда иштирок этиш, унинг устав фонди (капитали)даги улуш – иштирокчининг шахси билан боғлиқ мулк ҳуқуқи. Яъни эр-хотиннинг ҳар бири кўриб чиқилаётган вазиятда МЧЖнинг мустақил иштирокчиси ҳисобланади ва МЧЖ устав капиталидаги улушни эр-хотиннинг бошқасига бериш умумбелгиланган тартибда амалга оширилади.

Елена ЕРМОХИНА,
эксперт-юристимиз.

МДҲ ВА БОЛТИҚБҲИИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	19.08.2013	1	0,7845	1	1,0453	1	0,0238
Арманистон	16.08.2013	1	406,42	1	635,48	1	12,34
Беларусь	20.08.2013	1	8910,00	1	11880,00	1	270,50
Грузия	19.08.2013	1	1,6617	1	2,2167	100	5,0443
Қозоғистон	19.08.2013	1	152,63	1	203,56	1	4,63
Қирғизистон	20.08.2013	1	48,4812	1	64,6133	1	1,4726
Латвия	20.08.2013	1	0,527000	1	0,702804	1	0,016000
Литва	20.08.2013	1	2,5914	1	3,4528	1	0,078753
Молдова	19.08.2013	1	12,8120	1	17,0868	1	0,3889
Россия	20.08.2013	1	32,9226	1	43,8628	–	–
Тожикистон	19.08.2013	1	4,7668	1	6,4259	1	0,1485
Украина	19.08.2013	100	799,3000	100	1066,2662	10	2,4264
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 20 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	1952,48	1 Польша злотийси	667,61
1 Англия фунт стерлинги	3311,23	1 СДР	3226,23
1 Дания кронаси	378,88	1 Туркия лираси	1092,03
1 БАА дирҳами	577,13	1 Швейцария франки	2287,40
1 АҚШ доллари	2119,73	1 ЕВРО	2822,93
1 Миср фунти	303,30	10 Жанубий Корея вони	19,01
1 Исландия кронаси	17,67	10 Япония иенаси	217,25
1 Канада доллари	2052,21	1 Россия рубли	64,35
1 Хитой юани	346,46	1 Украина гривнаси	265,20
1 Малайзия ринггити	645,77		

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган

УШБУ
СОНДА:

- ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
 - Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
- ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР
 - Имтиёзни Президент белгилади

1, 3-бетлар

- Эр-хотин ўртасида улуш ўтса...
- Валюталар курси
- МУАММО БОР
 - Трансферт нархлар ҳисоб-китоби тўғрисида

2-бет

4, 8-бетлар

- КАДРЛАР БЎЛИМИ
 - Ишдан «моддага асосан» бўшатамиз
 - Ходимнинг меҳнат вазибаларини мунтазам равишда бузиши
- ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК
 - Ўзаро фойдали ҳамкорлик

5-6-бетлар

7-бет

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

1-бетда Вазирлар Маҳкамасининг 4.12.2002 йилдаги 425-сон қарори 2-бандига мувофиқ чегарадош давлатлар ҳудудидан ре-экспорт қилинадиган маҳсулотларга нисбатан йиғимлар белгилашда. Учинчи мамлакатда ишлаб чиқарилган ҳамда юридик ва жисмоний шахслар томонидан тижорат фаолияти учун чегарадош давлатлар ҳудудидан Ўзбекистонга қайта экспорт қилинаётган нооziқ-овқат истеъмол товарлари импорти учун 20 фоиз миқдорида божхона йиғими ундирилади.

Ўзининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб келинадиган товарлар божхона расмийлаштируви вақтида «Ўзбекэкспертиза» томонидан белгиланган тартибда берилган сертификат тақдим этилганда, истеъмол товарлари деб ҳисобланмайди. Масалан, шакар, зиғир толасидан тайёрланган матолар ана шундай товарлар ҳисобланади.

МАҲКУМЛАР УЧУН ЯНГИЧА ТАРТИБ-ҚОИДАЛАР

Ички ишлар вазирининг буйруғи (АВ томонидан 29.07.2013 йилда 2495-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг янги ички тартиб-қоидалари тасдиқланди. Илгари амал қилган, АВ томонидан 8.06.2001 йилда 1039-сон билан рўйхатдан ўтказилган Қоидалар ўз кучини йўқотди.

Янги Қоидаларда, хусусан, ЖИЭМ маъмурияти маҳкумларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда (масалан, маҳкумларга ўзига тегишли автомобилларни ҳайдашлари учун ишончномалар бериш ва ҳоказо) иштирок этиши учун зарур шарт-шароит яратилиши таъминлаши назарда тутилган. Бунда маҳкумларнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиши билан боғлиқ учрашувлари сони уларга учрашувлар берилишида ҳисобга олинмайди.

Маҳкумлар, агар қонун ҳужжатларига зид бўлмаса, никоҳ тузиш, никоҳдан ажралиш ҳамда бошқа оилавий муносабатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгалар. Никоҳни қайд этиш жараёнида никоҳга кирувчилар томонидан таклиф этилган шахсларнинг умумий сони 2 кишидан ортиқ бўлмаслиги керак

Бундан ташқари, маҳкумнинг яқин қариндошлари ЖИЭМ маъмуриятидан маҳкумнинг соғлиғининг аҳоли ҳамда унга нисбатан қўлланилган рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари тўғрисида ёзма ва оғзаки ахборот олиш ҳуқуқига эгалар.

Манзил-колонияларда фуқароларга хос кийим-кечак ва пойабзал кийишга, суратга, аудио— ва видеоёзувга олиш функциялари бўлмаган мобил телефонлардан фойдаланишга рухсат этилади.

Қоидаларда белгиланган рухсат этиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари, предметлар ва буюмлар рўйхати бўйича маҳкумлар энди кофе, какао ва улардан тайёрланган маҳсулотларни харид қилишлари ва сақлашлари мумкин (илгари ушбу маҳсулотлар тақиқланган эди, интизомий бўлинмаларда эса чой ҳам тақиқланган эди).

Илгари маҳкумларга тегишли предметлар ва буюмларнинг умумий оғирлиги 50 кг дан ошмаслиги керак эди. Ҳозир эса бу меъёр олиб ташланган.

Тақдим этилган ҳужжатларга қисқача шарҳларни таҳририят эксперт-юристлари тайёрладилар.


РЕКЛАМА



O'ZSANOATQURILISHBANK

хизматлар лицензияланган

“ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК” ОАТБ ХАЛҚАРО ПУЛ ЎТКАЗМАЛАРИ!



ТЕЗ, ҚУЛАЙ ВА ИШОНЧЛИ!

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ қуйидаги янги ОМОНАТ турларини таклиф этади!

«Тежамкор» Депозит тури: «Мудлатли депозит» Муддати: 3 ой Бошланғич бадалнинг минимал миқдори: Минимал 100,0 минг Қўшимча шартлари: Фонз даромади ҳар ойда тўланади	«Маржон» Депозит тури: «Мудлатли депозит» Муддати: 4 ой Бошланғич бадалнинг минимал миқдори: Минимал 100,0 минг Қўшимча шартлари: Фонз даромади ҳар ойда тўланади
«Барқарор» Депозит тури: «Мудлатли депозит» Муддати: 3 ой Бошланғич бадалнинг минимал миқдори: Минимал 100,0 минг Қўшимча шартлари: Муддати тугаган омонатлардан қайта расмийлаштирилади	«Яхши ният» Депозит тури: «Мудлатли депозит» Муддати: 6 ой Бошланғич бадалнинг минимал миқдори: Минимал 100,0 минг Қўшимча шартлари: Фонз даромади ҳар ойда тўланади



“Ўзсаноатқурилишбанк”да сақланувчи аҳоли омонатлари “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди” томонидан кафолатланган. мурожаат учун телефон: 120-45-24, вэб-сайт: www.uzpsb.uz

Вақт давомида синалган ишонч!

ЭЪЛОНЛАР

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр* Тел. 346-16-89.

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*. Тел.: 281-52-39, 346-16-89.

ХИЗМАТЛАР

Картрижларни тўлдириш. UzKART, ОН-ЛАЙН терминаллар жойига чиқиш билан. Тел.: 235-19-91, 171-99-28, 162-34-55. www.likan.uz

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: 556-61-31, 974-54-03.

Лазерли принтерларни тўлдириш. Мақбул нархлар. Жойига чиқиш билан. Тел. 127-15-28.

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

*Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.

РЕКЛАМА

“AMIR-AUDIT” МЧЖ
аудиторлик ташкилоти
28.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия.
ЎзР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон қўғоқномаси.

Ўзбекистон Республикасидаги барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари ўтказиш

Малака сертификатли аудиторларни ишга қабул қиламиз
Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш
Тел.: (+99899) 187-04-68, (+99894) 644-62-23, 296-55-78; факс (8371) 296-52-15

ТРАНСФЕРТ НАРХЛАР ҲИСОБ-КИТОБИ ТЎҒРИСИДА

«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг¹ 16-моддасига кўра хўжалик юритувчи субъект ва унинг таркибий бўлинмаси (филиал, доимий муассаса ва ҳоказо) бир-бирлари билан шартнома тузишлари мумкин. Улар ички хўжалик шартномалари деб аталади ва уларга нисбатан Фуқаролик кодексига назарда тутилган шартнома тўғрисидаги умумий қоидалар қўлланади. Агар Фуқаролик кодекси 356-моддаси биринчи қисмининг маъносидан келиб чиқилса, ички хўжалик шартномаси нархлари – тарафларнинг келишиш масаласи бўлиб чиқадигандек кўринади. Бироқ ҳаммаси бунчалик содда кўринишга эга эмас...



ТРАНСФЕРТ НАРХЛАР

Товарларни (ишларни, хизматларни) чет эл давлатларида ёки бошқа минтақаларда (бирок бир мамлакат доирасида) жойлашган таркибий бўлинмаларга, шунингдек ўзаро боғланган бошқа юридик шахсларга реализация қилиш нархи трансферт нарх деб аталади.

Солиқни мақбуллаштириш, яъни фойдани камроқ солиқ солинадиган юрисдикция фойдасига йўналтириш йўли билан солиқ юкини пасайтириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектлар бундай нархларни пасайтирадилар. Ва шу тариқа, бир тарафдан, қонун ҳужжатларини бирор-бир тарзда бузмасдан тадбиркорлик субъекти солиқ тўловларининг суммалари салмоқли тарзда қисқартирилади, бу эса, шубҳасиз, унинг манфаатларига мос келади. Бошқа тарафдан эса – мамлакат бюджетига солиқ тушумлари мутаносиб равишда камаяди, бу эса амалда ҳар қандай давлатнинг манфаатларига зид келади. Айни ушбу ҳол дунёнинг кўпчилиги мамлакатларида трансферт нарх белгилаш устидан давлат назорати ўрнатилишининг сабабчиси бўлиб хизмат қилди: қоидага кўра ўзаро алоқадор шахслар иштирок этадиган битимларнинг нархлари бозор нархлари даражасига мувофиқ келиши керак.

2010 йилдан бошлаб ушбу қоида Ўзбекистонда ҳам амал қиляпти. Солиқ кодекси (СК) 40-моддасининг иккинчи қисмига кўра ўзаро алоқадор шахслар билан битимлар бўйича солиқ тўловларининг тўлиқ ҳисоблаб чиқарилиши ва тўланиши устидан назоратни солиқ органлари амалга оширади. Солиқ солинадиган база товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш нархи асосида ҳисоблаб чиқариладиган солиқ солиш объектини аниқлашда солиқ органларининг мансабдор шахслари ўзаро алоқадор бўлмаган шахслар ўртасида қўллаш мумкин бўлган нархлардан, яъни бозор нархларидан фойдаланишга ваколат олганлар.

Бироқ бундай нархлар ҳисоб-китоби усуллари

ҳозиргача белгиланмаган ва бизнес аҳлига таниш эмас. Эҳтимол, шу сабабли солиқчилар томонидан текширувлар доирасида трансферт нархларга тузатишлар киритиш амалиёти ҳозирча кенг тарқалмагандир. Бироқ истиқболда солиқ-молия органлари томонидан Солиқ кодексининг юқорида қайд этилган меъёрини қўллаш

номасини тузиш эркинлиги ва, тегишинча, эркин нарх белгилаш қоидасига, шунингдек тадбиркорлик субъекти ҳуқуқларининг устунлиги қоидасини хоҳлаганча рўқач қилмайлик, фирманинг «хавфсизлиги»ни кўзлаб (ҳеч бўлмаганда «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасини

“Агар ўзаро алоқадор юридик шахслар ўз тижорат ва молиявий муносабатларида ўзаро алоқадор бўлмаган юридик шахслар ўртасида қўлланилиши мумкин бўлган нархлардан фарқ қиладиган нархларни қўлласса, солиқ солинадиган база товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш нархлари асосида ҳисоблаб чиқариладиган солиқ солиш объектини аниқлашда давлат солиқ хизмати органлари ўзаро алоқадор бўлмаган юридик шахслар ўртасида қўлланиладиган нархлардан фойдаланади.

Ўзаро алоқадор юридик шахслар қуйидагилардир:

Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар ва уларнинг чет давлатлар юридик шахслари бўлган муассислари (иштирокчилари, аъзолари);

чет давлатларнинг юридик шахслари ва уларнинг Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар бўлган муассислари (иштирокчилари, аъзолари);

муассислари (иштирокчилари, аъзолари) айни бир юридик ёки жисмоний шахслар бўлган Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар ва чет давлатларнинг юридик шахслари.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 40-моддаси.

оқибатлари ғоятда қўлланмаган бўлиши шубҳасиз: солиқ тўловлари суммаларини қўшимча ҳисоблаб ёзишдан бошлаб солиқ солинадиган базани камайтирганлиги ва (ёки) Ўзбекистон учун наф келтирмаслиги аён бўлган битимни тузганлиги учун хўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахсларини жавобгарликка тортишга қадар².

Бу ҳол ноаниқлик бўлиб, фикримизча, фуқаролик қонун ҳужжатларининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг меъёрларига зид келишини ифодалайди. Айни шундай ҳолатлар «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун³ 8-моддаси биринчи қисмининг еттинчи хатбошиси ва 11-моддасига мувофиқ тадбиркорлик субъекти фойдасига ҳал этилиши керак. Афсуски, бундай баёнотлар ҳозирча қуруқ баёнотлигича қолаётгани корхоналар раҳбарларига аёндыр.

Шу боис хўжалик шарт-

қўллаш тартиби хусусида тегишли тушунтиришлар келиб тушмагунча) трансферт нарх бозор нархи даражасига мувофиқ келиши керак.

Ушбу даражани қандай қилиб белгилаш керак?

БОЗОР НАРХЛАРИ

«Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонун⁴ 7-моддасининг биринчи қисмига кўра, шунингдек 1-сон Мол-мулкни баҳолаш миллий стандарти «Баҳолашнинг умумий тушунча ва қоидалари»нинг⁵ 4-бўлими маъносидан келиб чиқилганда бозор нархи деганда энг эҳтимол тутилган нарх тушунилиб, унга кўра муайян товарлар (ишлар, хизматлар) очиқ бозорда рақобат шароитида бошқа шахсга ўтказилади, битимнинг тарафлари барча зарур ахборотга эга бўлган ҳолда ўз манфаатлари йўлида оқилона ва ихтиёрий равишда ҳаракат қилади, битим нархининг баланд-пастлигида эса бирон-

бир фавқулудда ҳолатлар, шу жумладан тарафлардан бирининг ушбу битимга қўшилиш мажбурияти акс этмайди.

Бироқ бугунда солиқ органлари қандай йўл тутишлари – СК 40-моддаси иккинчи қисмининг қоидалари доирасида ички бозор нархларидан келиб чиқишларими ёки асос сифатида товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинаётган мамлакат (минтақа) нархини олишлари керакми – шу тўғрисида аниқ фикр айтиш мумкин эмас. Бозор нархи шарҳланаётган ҳолда бутунлай бошқа усул билан белгиланиши мумкинлигини ҳам истисно этиб бўлмайди. Чунончи, масалан, текинга олинган мол-мулкнинг (ишларнинг, хизматларнинг) бозор баҳоси СКнинг 135-моддасига мувофиқ солиқ органларининг мансабдор шахслари томонидан расмий статистика маълумотлари, биржа маълумотномалари, оммавий ахборот воситаларида чоп этилган маълумотлар ва ҳоказолар асосида белгиланади.

Россияда, масалан, трансферт чоғида бозор нархлари қуйидаги беш усулдан бири билан (ёки уларнинг жамлигида) ҳисобланади:

1) мустақил тарафлар ўзаро тузган битимлардаги нархлар билан таққослаш йўли билан. Бунда, агар содир этилаётган битимлар тавсифи ва тадбиркорлик субъекти контрагентларидаги фарқлар бозор нархига таъсир кўрсатмаса ва (ёки) арзимас тафовутларни барта- раф этиш мақсадида бундай нархлар бўйича тузатишлар қўллаш мумкин бўлса, битим таққосланадиган деб эътироф этилади;

2) таҳлил қилинаётган битим бўйича харид қилинган товар кейин реализация қилинганда (қайта сотилганда) таҳлил қилинаётган битимни амалга оширган шахс томонидан олинган ялпи рен-

табеллики таққослаш йўли билан;

3) таҳлил қилинаётган битим тарафи ҳисобланган шахс харажатларининг ялпи рентабеллигини таққосланаётган битимлардаги харажатларнинг ялпи рентабеллиги билан таққослаш йўли орқали;

4) таҳлил қилинаётган битим тарафи бўлган шахсда шаклланган операцион рентабеллики таққослама битимлардаги операцион рентабеллик билан таққослаш йўли билан;

5) олинган жами фойдани битим тарафлари ўртасида ҳақиқатда тақсимлашни таққослама битимларнинг тарафлари ўртасида фойдани тақсимлаш билан таққослаш йўли билан⁶.

Ўзбекистонга келсак, юқорида айтилганидек, ҳозирча солиқ органлари томонидан трансферт нархларнинг лозим даражасини белгилашнинг қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамланган усуллари йўқ. Ривожланаётган давлатларнинг жаҳон иқтисодий жараёнларига интеграцияланиши кучайган сари улар, мисол учун, Россияда фойдаланилаётган трансферт нархларни белгилаш усулларига ўхшаш бўлишини истисно этиб бўлмайди. Зеро трансферт нарх белгилаш доирасида бозор нархини белгилаш услубиятининг ягоналиги, улар рўйхатдан ўтказилган мамлакатдан қатъи назар, компаниялар ва уларнинг барча таркибий бўлинмаларининг трансферт нарх белгилаш сиёсатини уйғунлаштириш имконини беради.

Амалиётда 2010 йилдаёқ тақдим этилган, трансферт нарх белгилаш тартибини тушунтириш бўйича ёзма сўровларга жавобан Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси «Трансферт нарх белгилаш тўғрисида»

8-бетда

қ о н у н

¹29.08.1998 йилдаги 670-I-сон.

²Жиноят кодексининг 175-моддаси.

³25.05.2000 йилдаги 69-II-сон, ⁴2.05.2012 йилдаги ЎРҚ-328-сон Қонун таҳририда.

⁵19.08.1999 йилдаги 811-I-сон.

⁶Давлат мулки қўмитасининг АВ томонидан 24.07.2006 йилда 1604-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

⁷Бунда Россия солиқ тўловчиларига 20%гача тафовутни (пасайиш ёки, аксинча, ошиш томонга) ҳисобга олган ҳолда трансферт нархлари белгилашга рухсат берилади.

Қўллаш учун йўриқнома: ишдан «МОДДАГА АСОСАН» БЎШАТАМИЗ

Ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини мунтазам бузганлиги ёки бир марта қўпол равишда бузганлиги деганда нима тушунилишини батафсил кўриб чиқишдан аввал Меҳнат кодексининг интизомий жазоларни қўллаш таомиллини белгилайдиган 182-моддасини ўрганишни таклиф қиламиз. Нима учун уни билиш шу қадар муҳим? Чунки назорат қилувчи органларнинг вакиллари ва судьялар, ходим томонидан ҳуқуқбузарлик бўлган-бўлмаганлигини аниқлашга қадар, албатта иш берувчининг қонун ҳужжатлари билан белгиланган, жазо қўллаш ва меҳнат шартномасини бекор қилиш тартибига риоя қилганлигини текширадилар.



ХОДИМНИНГ ўз зиммасига Хюкланган меҳнат вазифаларини айбли ғайриҳуқуқий бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги ҳуқуқбузарлик ҳисобланади. Мисол учун, ички меҳнат тартиби қоидалари, мансаб йўриқномалари, иш берувчининг қонуний буйруқлари, техник қоидаларни бажармаслик ва ҳоказолар шунга киради.

Масалан, ходимнинг у ноқонуний равишда ўтказилган ишни бажаришни рад этиши, агар ходим иш берувчига розилик бермаган бўлса, янги меҳнат шароитларида ишни давом эттиришни рад этиши меҳнат вазифаларини бузиш ҳисобланмайди ва интизомий жазони қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас¹. Иш берувчининг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бунинг учун ходимнинг розилигини олиш зарур бўлган фармойишини бажармаслик ҳам ҳуқуқбузарлик ҳисобланмайди. Чунончи, ходим таътилдан чақириб олиш ёки уни бошқа муддатга кўчиришга, иш вақтидан ташқари ишга жалб этилишга розилик билдириши керак. Ҳомиладор ёки 14 ёшгача (ногирон бўлса – 16 ёшгача) боласи бўлган аёл тунги вақтда, дам олиш кунларида ишлашдан, хизмат сафарига чиқишдан; ногирон эса тунги

вақт ёки дам олиш кунлари ишлашдан бош тортишга ҳақлидир.

Интизомий жазони қўллашдан олдин ходимдан у меҳнат вазифаларини бузганлиги далили бўйича тушунтириш хати талаб қилиш лозим. Бунда содир этилган ҳуқуқбузарлик мазмунини ва уни содир этиш санасини албатта кўрсатган ҳолда унга ёзма равишда мурожаат қилиш маъқул бўлади.

Бирор-бир тушунтириш беришдан бош тортиш ҳам қайд этилиши керак. Ходим бу ҳақда ўзи ёзади ёки иш берувчи далолатнома тузади. Масалан, қуйидаги мазмунда: 2013 йил 15 июлда гувоҳлар ҳозирлигида ходим А.Б.Йўлдошевга унинг 12 июлда ишда бўлмаганлиги далили бўйича тушунтириш бериш таклиф қилинди, бироқ мазкур ҳолат бўйича А.Б.Йўлдошев тушунтириш беришдан бош тортиди.

УМУМАН олганда муддатларни унутмаслик керак. Интизомий жазо бевосита ножўя хатти-ҳаракат аниқлангандан кейин, аммо бу хатти-ҳаракат аниқлангандан бошлаб, ходимнинг касал ёки таътилда бўлган вақтини ҳисобга олмасдан, узоғи билан бир ой ичида қўлланилади. Ножўя хатти-ҳаракат содир этилган кундан бошлаб 6 ой ўтгандан, молия-хўжалик фаолияти-

ни тафтиш этиш ёки текшириш натижасида аниқланганда эса, содир этилган кундан бошлаб 2 йил ўтгандан кейин жазони қўллаб бўлмайди. Жиноий иш бўйича иш юритилган давр бу муддатга кирмайди.

Жазони қўллаш учун белгиланган бир ойлик муддатни ҳисоблашда қуйидагиларни эътиборга олиш лозим:

Ойни ҳисоблаш бошланадиган ножўя хатти-ҳаракат аниқланган кун бўлиб ножўя хатти-ҳаракат корхона раҳбари, унинг ўринбосари, таркибий бўлинма раҳбари, ходим бўйсунган бошқа мансабдор шахсга, ушбу мансабдор шахс интизомий жазо қўллаш ҳуқуқига эга ёки эга эмаслигидан қатъи назар, маълум бўлган кун ҳисобланади.

Қонунга кўра (МК 182-моддасининг бешинчи қисми) ушбу муддатга ходимнинг фақат касал ёки таътилда бўлган вақти ҳисобга киритилмайди. Агар ходим ишда бошқа сабабларга кўра бўлмаган бўлса (шу жумладан, масалан, ишларни ташкил этишда вахта усулида дам олиш кунларидан фойдаланган, отгуллар), ушбу давр унинг муддатидан қатъи назар, муддат ўтишини узмайди.

Ойлик муддат ўтишини узиб қўядиган таътилга ходимга меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, шунингдек меҳнат шартномаси билан берилган барча таътиллари: ҳар йилги асосий ва қўшимча таътиллари, ўқув таътиллари, иш ҳақи сақланмайдиган таътиллари ва бошқаларни киритиш керак.

¹Агар бундай ўзгаришлар ходимлар сонининг ўзгариши ёки ишлар хусусиятининг ўзгаришига олиб келган технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишда ўзгаришлар билан белгиланган бўлса, иш берувчи меҳнат шартларини ходимнинг розилигисиз ўзгартиришга ҳақлидир.

УМУМИЙ қоидага кўра интизомий жазо чораларининг жами уч тури мавжуд: ҳайфсан; ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима² ва мунтазам равишда ёки бир марта қўпол равишда бузганлик учун меҳнат шартномасини бекор қилиш.

Бошқа интизомий жазо чораларини қўллаш тақиқланади (*МКнинг 181-моддаси*).

Ҳар бир ножўя хатти-ҳаракат учун фақат битта интизомий жазо қўлланиши мумкин. Ходим ҳайфсан ва жарима жазоси олганлиги учунгина иш берувчи уни ишдан бўшатишга ҳақли эмас. Аввалги ҳуқуқбузарликларни ҳисобга олган ҳолда аниқ ҳуқуқбузарлик

учун меҳнат муносабатлари бекор қилинади. Шунингдек бир текшириш далили бўйича бир неча жазо қўллаш мумкин эмас.

ХУЛЛАС, ножўя хатти-ҳаракат Ханиқланиб, ходимнинг тушунтириш хати олинганидан ёки бундай қилишни рад этганлиги расмийлаштирилганидан кейин, башарти белгиланган муддатларга риоя этилган бўлса, иш берувчи интизомий жазо (ҳайфсан, жарима ёки меҳнат шартномасини бекор қилиш) қўллаш тўғрисида буйруқ чиқаради.

Буйруқ ходимга маълум қилиниб, тилхат олинади, акс ҳолда иш берувчининг яна меҳнат шартномасини бекор қилиш тартибини бузиш хавфи бор. Буйруқни

имзолашдан бош тортилган тақдирда эса бу ҳақда далолатнома тузиш ва буйруқда тегишли белги қўйиш лозим.

Ходимга интизомий жазони қўллаш уни ана шу ножўя хатти-ҳаракат бўйича иш берувчига етказилган зарар учун моддий жавобгарликка тортиш, шунингдек айбдорга нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган, интизомий жазо ҳисобланмайдиган таъсир чораларини қўллаш (мукофотлардан маҳрум қилиш, йил учун иш якунлари бўйича тақдирлашни камайтириш ёки маҳрум қилиш) имкониятини истисно этмайди.

ХОДИМНИНГ МЕҲНАТ ВАЗИФАЛАРИНИ МУНТАЗАМ РАВИШДА БУЗИШИ

Ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш учун асос бўлиб бу ҳолда МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 3-банди ҳисобланади.

«Ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузиши» деганда нима тушунилади? Бунинг маъноси шуки, ходим интизомий ножўя хатти-ҳаракатни такроран амалга оширган, яъни у интизомий ёки моддий жавобгарликка тортилиб бўлган ёки унга нисбатан таъсир чоралари (мукофотдан ёки кўп йил ишлаганлик учун тақдирлаш пулидан маҳрум қилиш) кўрилган. Бунда, агар аввалги ножўя хатти-ҳаракат учун жазоланган пайтдан бошлаб, у янгисини содир этган пайтгача бир йил бўлмаган бўлса, бир неча марта бузиш (мунтазамлик) юз берган бўлади. МКнинг 183-моддасига кўра агар ходим бир йил ичида яна интизомий жазога тортилмаса, у интизомий жазо олмаган деб ҳисобланади.

Ҳар гал, ходимни жавобгарликка тартаётганда, унинг аввалги хулқ-атворини ҳисобга олиш ва ножўя хатти-ҳаракатнинг оғирлигини жазонинг оғирлиги билан ўлчаш лозим. Масалан, ходим яхши ишлади, мукофот олди, бироқ икки марта ишга 5 дақиқадан кечикиб келди. Биринчи кеч келиши учун у ҳайфсан олди, иккинчиси учун эса меҳнат шартномаси бекор қилинди. Ушбу вазиятда суд ходимнинг тарафини олиши аниқ ва ишдан бўшатиш шахси аввалги иш жойига тиклайди. Зеро ушбу ҳолда қўлланган таъсир чораси ножўя хатти-ҳаракатга мутаносиб эмас, чунки 5 дақиқа ичида ҳеч қандай фалокатли ҳол юз бермади. Бироқ бошқа томондан, иш берувчи ходим (айтайлик сотувчи) йўқ бўлган вақтда

савдо залидаги харидорларнинг муайян миқдорига хизмат кўрсатиши мумкин эди деб исботлаши мумкин. Дўконда товар сотилмаган, харидорлар рақобатчилар дўконига йўл олишган, энди эса мижозларни жалб этишга қўшимча пул сарфлашга тўғри келади.

Ходимни ишдан бўшатишда кўпинча йўл қўйиладиган хатоларнинг бири – меҳнат шартномасини бекор қилишга олиб келган ҳуқуқбузарликни тавсифламасдан буйруқ чиқарилиши. Агар сиз ходим билан меҳнат шартномаси унинг меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузганлиги учун 1-далолатнома, 2-далолатнома ва фалон санадаги буйруқ асосида бекор қилиняпти деб ёзсангиз, ҳеч ким нима учун меҳнат шартномаси бекор қилинаётганлигини ҳеч қачон тушунмайди. Буйруққа имзо чекаркан, ходим уни нима учун ишдан бўшатишаётганини билиши керак. Ҳар гал, қайта-қайта, далолатномаларда ҳам, буйруқда ҳам аниқ вазиятни ва у қачон ножўя хатти-ҳаракат қилганлигини кўрсатинг.

Агар иш берувчи бир неча бор интизомий ҳуқуқбузарлиги учун ходимлар вакиллик органининг аъзоси бўлган ходимни ишдан бўшатмоқчи бўлса, корхонадаги ходимларнинг сайлаб қўйиладиган вакиллик органи ҳамда Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) марказининг фикрини ҳисобга олиши керак (*МКнинг 25-моддаси*). Улар кўриб

чиқишига меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида буйруқнинг лойиҳаси, ходим аввал интизомий ёки моддий жавобгарликка тортилганлиги ёхуд унга нисбатан меҳнат вазифаларини бузганлик учун таъсир чоралари қўлланганлигини тасдиқловчи ҳамда иш берувчи уни жавобгарликка тортиш олдидан қонун ҳужжатларининг барча талабларини бажарганлигини тасдиқлайдиган барча ҳужжатларни тақдим этиш тавсия этилади.

Суд такрорий ножўя хатти-ҳаракат учун меҳнат шартномаси бекор қилинганда нафақат интизомий жазолар қўллашнинг белгиланган тартиби ва муддатларига риоя этилганлигини текширади, балки меҳнат интизомини олдинги бузишда уларга риоя этилганлиги, ўшанда ходим моддий жавобгарликка асосли тортилганлиги ёки унга нисбатан қўшимча таъсир чоралари қўлланганлигини ҳам аниқлайди (*МКнинг 182-моддаси*).

Бинобарин, агар суд муҳокамаси жараёнида илгари ходимга нисбатан қўлланган интизомий жазо муддатидан аввал, қўлланган кундан бошлаб бир йил тўлгунига қадар раҳбар томонидан белгиланган тартибда олинганлиги белгиланса, ходимни меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузганлик учун ишдан бўшатиш ноқонуний деб топилади. Ушбу қоида МК 183-моддасининг иккинчи қисмида мустаҳкамланган: интизомий жазони қўллаган иш берувчи ўз ташаббуси билан, ходимнинг илтимосига биноан, меҳнат жамоаси ёки ходимнинг бевосита раҳбари илтимосномасига кўра жазони бир йил ўтмасдан олдин ҳам олиб ташлашга ҳақли.

²Ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг 50%идан кўп бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари назарда тутилиши мумкин.

ХОДИМНИНГ МЕҲНАТ ВАЗИФАЛАРИНИ БИР МАРТА ҚЎПОЛ РАВИШДА БУЗИШИ

Ходимни МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 4-банди бўйича ишдан бўшатиш учун ҳатто унинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганлиги етарли асос бўлиши мумкин.

Ишдан бўшатишга олиб келиши мумкин бўлган меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузишларнинг рўйхати қуйидагилар билан белгилади:

ички меҳнат тартиби қоидалари;

корхона мулкдори билан корхона раҳбари ўртасида тузилган меҳнат шартномаси;

айрим тоифадаги ходимларга нисбатан қўлланиладиган интизом ҳақидаги низом ва уставлар.

Агар корхонада ички меҳнат тартиби қоидалари бўлмаса (МКнинг 174-моддаси), бу қоидаларни қонунда белгиланган тасдиқлаш тартиби бузилган бўлса ёхуд ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга олиб келиши мумкин бўлган меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузишларнинг рўйхати уларда санаб ўтилмаган бўлса, МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 4-бандига кўра ходимни ишдан бўшатиб бўлмайди (Олий суд Пленумининг 17.04.1998 йилдаги «Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти) ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида»ги 12-сон қарори 34-банди, бундан кейин – Пленумнинг 12-сон қарори).

Компаниянинг локал ҳужжатлари билан белгиланган меҳнат вазифаларини қўпол равишда бузганлик учун меҳнат шартномасини бекор қилиш интизомий жазо чораси ҳисобланиши боис, у МКнинг 182-моддасида белгиланган интизомий жазо чорасини қўллаш тартибига риоя этган ҳолда амалга оширилиши керак.

Агар синов муддати даврида ходим, гарчи топширилган ишни бажарса-да, бироқ қўпол ножўя хатти-ҳаракат содир этган бўлса, иш берувчи меҳнат муносабатларини бекор қилишнинг белгиланган тартибига риоя этган ҳолда, ходимни МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 4-бандига кўра ишдан бўшатишга ҳақлидир. Ушбу ҳолда ходимни синовнинг натижалари қониқарсиз бўлганлиги сабабли ишдан бўшатишга йўл қўйилмайди (Пленум 12-сон қарорининг 12-банди).

Иш берувчиларнинг эътиборини шунга ҳам қаратиш лозимки, ички меҳнат

тартиби қоидаларида бир марта қўпол равишда бузгани учун корхонанинг ишталган ходими билан меҳнат шартномасини бекор қилишга асос бўлувчи хатти-ҳаракатлар: узрсиз сабабларга кўра ишга чиқмаслик – прогул; бутун иш куни мобайнида бекорчилик қилиш; алкоголь, наркотик ёки токсик моддадан маст ҳолда иш жойида бўлиш ва ишга келиш; иш берувчининг мулкни ўғирлаш ва бошқалар билан бир қаторда фақатгина баъзи тоифадаги ходимлар билан меҳнат шартномасини бекор қилишга асос бўлувчи бир марта содир этилган ножўя хатти-ҳаракатлар: тижорат сирининг ошкор қилиниши; бевосита пул ва товар қимматликлари билан муомала қилувчи ходим томонидан бу қимматликларнинг сақланиши таъминланмагани, уларнинг сақланишига хавф туғдирилгани ёки бу қимматликлар бўйича муомала қилиш қоидаларининг бузилиши; тарбиявий ишларни бажариши лозим бўлган шахс томонидан ахлоқан ножўя хатти-ҳаракат содир этилиши ва бошқалар ҳам назарда тутилиши мумкин. Чунончи, МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 4-бандига кўра **тижорат сирини ошкор қилиш** муносабати билан меҳнат шартномаси фақат тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар мансаб вазифасига асосан ишониб топширилган ходим билан ва фақатгина ушбу маълумотларнинг ошкор бўлишида айнан шу ходимнинг ҳақиқатда айбдорлигини тасдиқловчи ишонарли далиллар мавжуд бўлса, бекор этилиши мумкин. Тижорат сирига келсак, биринчидан, компанияда тижорат сирини ёки махфий сақланадиган ахборот тўғрисидаги низом бўлиши керак. Иккинчидан, тижорат сирини тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бундай ахборотнинг сақланишини таъминлаш режими ўрнатилиши керак. Учинчидан, ушбу асос бўйича жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ходимнинг меҳнат шартномасида у ахборотни ошкор этмаслик мажбуриятини олиши шарт қайд этилиши керак.

Шуни тушуниш лозимки, хизмат сирини – хизматчилар биладиган сир эмас, балки махсус қонун ҳужжатлари ва бошқа меъёрий

ҳужжатлар билан белгиланадиган сирдир. Масалан, «Почта алоқаси тўғрисида»ги Қонунда³ ёзишмалар, почта жўнатмалари сирини мавжуд. «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунда⁴ хизмат сирини қайд этилган. Банк сирини, шифокорлик, адвокатлик сирлари мавжуд. Агар ходим қонун доирасига тушмайдиган ахборотни ошкор этса, бу кўпроқ келиб чиқадиган оқибатлари билан биргаликда тижорат сирини ошкор этиш деб баҳоланиши мумкин.

Ҳуқуқбузарлик далили белгиланганидан кейин ходимдан тушунтириш хати талаб қилиш керак. Сўнгра МКнинг 182-моддасига мувофиқ ҳаракат қилиш зарур.

Пул ва товар қимматликлари сақланишини таъминламаганлик, уларнинг сақланишига хавф туғдирувчи ҳолатни юзага келтирганлик ёки бу қимматликлар бўйича муомала қилиш қоидаларини бузганлик учун меҳнат шартномаси ушбу асосларда фақат пул ва товар қимматликлари бўйича бевосита муомала қилувчи (қабул қилувчи, ташувчи, тарқатувчи ва б.) ходим билангина бекор қилиниши мумкин (Пленум 12-сон қарорининг 35-банди).

Агар компаниянинг ички меҳнат тартиб-қоидаларидаги ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузиш деб ҳисобланадиган ножўя хатти-ҳаракатлар рўйхатида **прогул** учун ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкин деб кўрсатилган бўлса, МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 4-бандига кўра бу хатти-ҳаракат учун меҳнат шартномасининг бекор қилинишига кўрсатилган қоидаларда ходимнинг иш жойида узрсиз сабабларга кўра қанча вақт бўлмаганлиги (тўла иш куни, 3 соатдан ортиқ ва шу каби) прогул деб топилиши белгилаб қўйилган тақдирда йўл қўйилади.

Ходимнинг иш вақтида корхона ҳудудидан ёки унга берилган вазифани бажариши лозим бўлган объект ҳудудидан ташқарида бўлиши иш жойида бўлмаслик деб тушунилади.

МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 4-банди бўйича ходим иш жойида ички меҳнат тартиби қоидаларида белгиланган муддатда иш вақтида узрсиз сабабларга кўра бўлмаган ҳолларда ҳам прогулга йўл қўйганлиги сабабли меҳнат шартномасининг бекор қилинишига олиб келади.

Бундай ҳолларга:

³31.08.2000 йилдаги 118-II-сон (22.04.2009 йилдаги ЎРҚ-211-сон Қонун таҳририда).

⁴22.07.2008 йилдаги ЎРҚ-163-сон.

иш берувчининг рухсатисиз ўзбошимчалик билан таътилга кетиш ёхуд ўзбошимчалик билан дам олиш кунлари (отгул)дан фойдаланиш;

иш берувчини огоҳлантирмасдан ишни ташлаб кетиш, шунингдек ходимнинг ташаббусига кўра иш берувчининг меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида 2 ҳафта олдин ёки тарафлар келишувига кўра қисқартирилган бошқа муддат ўтмасдан ишни ташлаб кетиш;

иш берувчи ташаббусига кўра меҳнат шартномаси бекор қилинишида қонун билан ёки тарафлар келишувига кўра белгиланган огоҳлантириш муддати тугамасдан ишни ташлаб кетиш оқибатида иш жойида бўлмасликлар киради (Пленум 12-сон қарорининг 36-банди).

Иш жойи тушунчаси МКнинг кўп моддаларига киритилган (52, 61, 73, 91, 96-моддаларга қаранг). У «ходим бўлиши ёки у ўз иши муносабати билан келиши зарур бўлган ҳамда иш берувчининг бевосита ёки билвосита назоратида турадиган жой»дир. Ўз иш жойида бўлиш нафақат корхона ҳудудида, балки масалан, ўз компютери, ўз савдо зали, ҳайдовчиларнинг дам оладиган ўз хонасида ёки хизмат автомобили рулида бўлишни ҳам билдиради. Агар иш кўчма тусда бўлса, ходим қачон ва қаерга келиши кераклиги белгиланиши керак.

Меҳнат муносабатларини бекор қилиш тартиби олдинги ҳоллардагидек кўринишда бўлади. Ходим ишга келиши билан дарҳол ундан тушунтириш талаб қилиш, бош тортган тақдирда далолатнома тузиш, имзолаши учун буйруқни тақдим этиш керак.

Агар ходим умуман келмай қолса, кўп мураккабликлар юзага келади. Бунда барибир меҳнат муносабатларини бекор қилиш тартибига риоя этилиши керак. Шу сабабли ишга қабул қилиш чоғида киши-

дан уни топиш мумкин бўлган барча манзиллар ва телефон рақамларини талаб қилиб олиш шарт. Агар ходим узоқ вақт ишга келмаса, барча маълум манзиллар бўйича унинг номига топширилганлиги тўғрисида хабарнома олинадиган хатлар юбориш мумкин. Хатда маълум санадан кечиктирмай келиш ва иш жойида бўлмаганлик далили тўғрисида тушунтириш бериш илтимос қилиниши керак. Агар хатлардан бирортаси бўйича хабарномада унинг олганлиги қайд этилган бўлса, кўрсатилган муддат туганидан кейин ушбу манзилга прогул қилганлиги учун (зеро у ишга келмаган ва тушунтириш хатини бермаган) ходим билан меҳнат муносабатлари бекор қилинганлиги тўғрисида хат юбориш лозим. Хатда у меҳнат дафтарчасини олиш учун келиши ёки уни почта орқали юборилишига розилик билдиришини илтимос қилиш керак. Ва албатта унга меҳнат муносабатларини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқнинг нусхаси илова қилиниши лозим.

Ходимнинг узрли сабабларсиз узоқ вақт ишда бўлмаслиги муносабати билан юзага келадиган яна бир масала – меҳнат шартномасини бекор қилиш санаси. Агар узрли сабабсиз прогул қилган ходим МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 4-банди бўйича меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқ чиқарилган кунгача ишламаган бўлса, у билан меҳнат муносабатлари у ишга чиқмаган биринчи кундан бошлаб бекор қилинади.

Агар ходим маълум манзилларда бўлмаса ва ишга умуман келмаса нима қилиш керак? Иш берувчининг ўзи манфаатдор шахс сифатида ички ишлар органлари ёки судга ходимни вафот этган ёхуд бедарак кетган деб топишлари учун мурожаат қила олмайди. Бунга йўқолган

ходимнинг қариндошлари ҳақлилар. Фақат улар тегишли ҳужжатни келтиришсагина, иш берувчи ходим билан меҳнат муносабатларини бекор қилиши мумкин – бироқ энди прогул учун эмас.

Ходимни ишга алкоғолдан, наркотик ёки токсик моддалардан маст бўлиб келиши учун ишдан бўшатиш ҳам мушкулликларга сабаб бўлади. Корхонанинг ички меҳнат тартиби қоидаларида ушбу асос бўйича бир марталик кўпол бузиш сифатида меҳнат шартномасини бекор қилиш назарда тутилган тақдирда, бу чора кўрсатилган ҳолатда фақат корхона ҳудудида пайдо бўлган ходимга нисбатан эмас, балки ўз меҳнат мажбуриятларини бажариши лозим бўлган бошқа жойларда қайд этилган ҳолатда юрган ходимга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин. Бунда ходим ишдан четлатилган ёки четлатилмаганлиги аҳамиятга эга эмас.

Алкоғолли, наркотик ёхуд токсик моддалар истеъмол қилиш оқибатида юзага келувчи сархушлик ҳолати тиббий хулосага кўра, шунингдек бошқа турдаги ҳужжатлар: тегишли далолатнома, меҳнат вазифаларини бузганлиги далили бўйича ходимнинг тушунтириш хати ёки унинг тушунтириш беришдан бош тортиши тўғрисида далолатнома билан тасдиқланиши мумкин. Бунда тегишли барча муддатларга риоя этилиши керак.

Меҳнат вазифаларини бир марталик кўпол бузиш ҳисобланадиган кейинги интизомий ножўя хатти-ҳаракат – иш жойида қонуний кучга кирган суднинг ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўришга ваколати бўлган судья, орган, мансабдор шахснинг қарори билан белгиланган бошқалар мол-мулкни талон-торож қилиш, камомадга йўл қўйиш, уни қасддан йўқ қилиш ёки шикастлашдир.

Ушбу ҳолда талон-торож қилиш далили муҳим. Уни қайд этиш ва у ҳақда чора кўришлари учун тегишли органларга хабар қилиш зарур. Бунда ходимдан барча тушунтиришлар дарҳол олинди, бироқ меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳозирча мумкин эмас. Сўз оммавий ҳуқуқий муносабатлар – маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят тўғрисида борганда ходим иш берувчининг қарори билан айбдор деб топилиши мумкин эмас. Ходимнинг айбдорлигини белгилайдиган суднинг қарори, ажрими ёки ҳукми қонуний кучга киргандан кейингина иш берувчи уни МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 4-банди бўйича ишдан бўшатиш ҳуқуқига эгадир.

Эксперт-юристимиз
Абдусалом РИСКУЛЛАЕВ
тайёрлади.

БУ – МУҲИМ!

Меҳнат шартномаси ходим МК 100-модда иккинчи қисмининг 3 ва 4-бандлари бўйича айбли хатти-ҳаракатлар содир этганлиги муносабати билан бекор қилинган ҳолларда иш берувчи ходимни меҳнатга оид муносабатларнинг бекор қилиниши тўғрисида камида 3 кун олдин хабардор қилади ёки унга мутаносиб компенсация тўлайди (МК 102-моддасининг бешинчи қисми).

Меҳнат муносабатлари иш берувчининг ташаббусига кўра бошқа асослар бўйича бекор қилиниши ҳолларидан фарқ қилиб (МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 1, 2, 6 ва 7-бандлари), қонун ходим билан меҳнат шартномасини МК 100-моддаси иккинчи қисми 3 ёки 4-бандлари бўйича бекор қилишда ходимни албатта ёзма шаклда хабардор қилинишини назарда тутмайди. Бинобарин, бундай асослар бўйича ходим билан меҳнат муносабатларини бекор қилишда ходим ёзма ёки оғзаки хабардор қилиниши мумкин.

Меҳнат вазифаларини мунтазам равишда ёки бир марталик кўпол бузишлар учун ишдан бўшатиш интизомий чора бўлиб, ходимни хабардор қилиш ва у билан меҳнат муносабатларининг бундай асосларда бекор қилинишига фақат интизомий чораларни қўллаш учун белгиланган муддатлардагина йўл қўйилади (МКнинг 182-моддаси; Пленум 12-сон қарорининг 20-банди).

МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИК

ЎЗАРО ФОЙДАЛИ ҲАМКОРЛИК

«Норма маслаҳатчи»нинг аввалги сонидида хабар қилинганидек, яқинда Алматида ўтказилган, Қозоғистоннинг «Атамекен» уюшмаси Миллий иқтисодий палатаси» ҳамда USAIDнинг минтақавий иқтисодий ҳамкорлик бўйича лойиҳаси ташкил этган «Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида савдо оборотини кўпайтириш йўллари» давра суҳбатида ўзбекистонлик экспортчилар Қозоғистон Республикаси давлат органлари вакиллари-нинг товарларни чегарадан олиб ўтиш масалалари бўйича шарҳларини тинглашди.

БОЖХОНА ТОЗАЛАШИ
ХУСУСИЯТЛАРИ

Товарларни Божхона иттифоқи (БИ) ва Қозоғистон Республикасининг божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ декларациялашнинг умумий қоидалари тўғрисида ҚР Молия вазирлиги БНҚ божхона назоратини ташкил этиш бошқармаси эксперти Асемгул ОКАПОВА сўзлаб берди.

2009 йил 27 ноябрда Минск шаҳрида Қозоғистон, Россия ва Белоруссия давлатларининг раҳбарлари Божхона иттифоқининг Божхона кодекси тўғрисида шартномани имзоладилар, 2010 йил июлдан бошлаб ушбу уч мамлакатнинг божхона хизматлари унга мувофиқ иш-ляптилар. Божхонада декларациялаш тартиби, божхона таомилларининг шартларига мувофиқ ҳужжатлар рўйхати, декларация топшириш муддатлари, декларантнинг жавобгарлиги ва вазифалари БИ Божхона кодексининг 27-бобида баён этилган.

ТИФ иштирокчиларидан товарларга декларациялар қабул қилиш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва расмийлаштиришнинг ягона тартиби БИ комиссиясининг 20.05.2010 йилдаги 262-сон қарори билан тасдиқланган.

Экспертнинг маълум қилишича, БИ Божхона кодексининг қоидаларига мувофиқ БИ аъзоси бўлган давлатлар амалдаги божхона қонунчилигига кўра, шу жумладан товарларни декларациялаш бўйича миллий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлашга ҳақлилар. Чунончи, Қозоғистонда товарларнинг божхона тозалашни амалга ошириш тартиби ҚР ҳукуматининг «Божхона органларининг мансабдор шахслари томонидан товарларнинг божхона тозаловини амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» қарори (12.10.2010 йилдаги 1058-сон) билан тартибга солинган. Қоидалар 8 банддан иборат бўлиб, уларда товарларни декларациялаш чоғида юзага келадиган барча хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда товарларнинг божхона тозалови чоғида божхона органи мансабдор шахсининг ҳаракатлари қайд этилган.

Ўзбекистонлик бизнесменларнинг саволларига жавоб бераркан, А.Окапова яна бир қонун ҳужжати – ҚР ҳукуматининг 8.10.2010 йилдаги 1039-сон қарорини айтиб ўтди, у божхона органи томонидан Белгиланган вақт даври мабайнида олиб ўтиладиган товарни йиғилмаган ёки қисмларга ажратилган тарзда, шу жумладан бутланмаган ёки тугалланмаган тарзда, ТИФ ТН бўйича битта классификация қодини кўрсатган ҳолда, декларациялашга рухсатнома бериш, уни узайтириш, тўхтатиб қўйиш ва чақириб олиш қоидаларини тасдиқлаган.

Бугунги кунда Қозоғистонда божхона маъмуриятчилиги тизими асосан одатда йирик транспорт ва магистрал узеллари ҳисобланган шаҳарларда жойлашган божхона постларида **товарларнинг божхона тозалови ва чиқарилиши** билан боғлиқ божхона операцияларини амалга оширишга йўналтирилган. Божхонада декларациялаш ва товарларнинг божхона тозалови билан боғлиқ божхона операцияларини такомиллаштириш учун улар қуйидаги аломатлар бўйича тоифалаштирилган: географик жойлашган жойи; транспорт салоҳиятининг мавжудлиги; товар оқимлари ҳажмлари ва декларацияланадиган товар номенклатураси; божхона постининг штатдаги ходимлари сони; божхона ва божхона атрофида ри-

вожланган инфратузилманинг борлиги ва бошқа кўрсаткичлар. Шу тариқа, ҚР божхона постлари қуйидаги тоифаларга бўлинган: «Божхона тозалови маркази», «Энергетик», «Махсус иқтисодий зона», «Ишлаб чиқаришга оид», «Аэропорт»; «Чегарадаги».

Ўзбекистон фермерларини тез бузилдиган юкни тезкор расмийлаштириш мумкинлиги масаласи қизиқтирди. Қозоғистон божхонаси вакилининг жавоб беришича, **товарларни божхона декларациясини беришга чиқариш** «Қозоғистон Республикасида божхона иши тўғрисида» ҚР Кодексининг (бундан кейин – ҚР Кодекси) 298-моддасида назарда тутилган. У ҚР кодексининг 276-моддасида кўрсатилган, БИ божхона ҳудудига олиб кириладиган (олиб кирилган) айрим тоифадаги товарларни божхона таомиллари остида жойлаштиришда (бундан божхона транзити таомиллари мустасно) амалга оширилиши мумкин. Улар жумласига тез бузилувчи маҳсулотлар ҳам кириди. Шунингдек ҚР Кодекси 65-моддасининг 2-бандига мувофиқ ваколатли иқтисодий операторларга нисбатан махсус содда-лаштиришлар қўлланган ҳолда ҳам амалга оширилади. Бироқ, декларант томонидан қуйидагиларнинг тақдим этилиши шарт билан:

1) товарларни жўнатувчи ва олувчи, жўнатиш мамлакати ва товарларнинг вазифаси, номи, тавсифи, камида дастлабки тўрт белги даражасида товарнинг ТИФ ТН бўйича классификация коди, товарларнинг сони, брутто оғирлиги ва қиймати кўрсатилган тижорат ёки бошқа ҳужжатлар;

2) товарлар чиқарилган ойдан кейинги ойнинг ўнинчи кунидан кечиктирмай божхона декларациясини топшириш ҳамда зарур ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этиш тўғрисида ёзма шаклдаги мажбурият, унда товарлардан фойдаланиш мақсадлари ва товарлар жойлаштириладиган божхона таомили тўғрисида маълумотлар берилади;

3) тақиқлар ва чеклашларга риоя этилишини тасдиқлайдиган ҳужжатлар ва маълумотлар, бундан бундай ҳужжатлар ва маълумотлар божхона декларациясини тақдим этишда мумкин бўлган ҳоллар мустасно.

Бу хил товарлар божхона декларациясини тақдим этишга чиқарилганда божхона божлари, солиқлар тўланишининг таъминланиши тақдим этилади.

ҚР норезидентлари товарларнинг декларантлари бўла оладиларми деган саволга эксперт шундай жавоб берди: ҚР Кодексининг 284-моддасига кўра, агар у ҚР Кодексининг 52-бобида мувофиқ божхона имтиёзларидан фойдаланса, товарларни шахсий фойдаланиш учун олиб ўтаётган жисмоний шахс ёки тарафларидан бири бўлиб БИ аъзоси давлатнинг шахси майдонга чиққан битим доирасидан ташқарида товарларни тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ҳисобланса ёхуд белгиланган тартибда БИ аъзоси бўлган давлат ҳудудида барпо этилган ваколатхонага эга бўлган ташкилот, чет эллик шахс декларант бўлиши мумкин. Мазкур ҳолда вақтинча олиб кириш, реэкспорт божхона таомиллари, шунингдек ички истеъмол учун чиқариш божхона таомили эълон қилинганда – фақат бундай ваколатхоналарнинг ўз эҳтиёжлари учун олиб кириладиган товарларга нисбатан қўлланилади.

Шунингдек эксперт ҚР ҳукуматининг 20.07.2010 йилдаги 745-сон қарори билан жисмоний ва юридик шахслар-



га кўрсатиладиган давлат хизматлари реестри тасдиқланганлигини маълум қилди. Унинг 12-бўлимида божхона соҳасида кўрсатиладиган хизматлар белгиланган. ҚР ҳукуматининг 8.09.2012 йилдаги 1169-сон қарори билан ҚР Молия вазирлигининг Божхона назорати кўмитаси кўрсатадиган давлат хизматлари стандартлари тасдиқланган. Улар бизнес юритишнинг қулайлик даражасини оширишга, шунингдек товарларни божхонанинг экспорт таомилига жойлаштирган ҳолда божхонада декларациялашнинг электрон шаклини жорий этиш йўли билан товарларнинг божхона тозалови чоғида амалга ошириладиган божхона операцияларининг ўтиш вақтини қисқартиришга қаратилган.

Қозоғистон Республикаси молия вазирининг 8.10.2012 йилдаги 456-сон буйруғи билан давлат хизматлари регламентлари тасдиқланган. Автотранспорт воситаларининг божхона тозалови бўйича божхона операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ хизматларни тақдим этиш доирасида Божхона назорати кўмитаси томонидан ихтисослаштирилган Аҳолига хизмат кўрсатиш марказларида ушбу хизматни кўрсатиш бўйича (божхона органлари томонидан) чоралар кўрилмақда.

ЧЕГАРАДА
ТРАНСПОРТ НАЗОРАТИ

ҚР Транспорт ва коммуникациялар вазирлиги Транспорт назорати кўмитасининг автомобиль транспортини назорат қилиш бошқармаси раҳбари **Болат СМАГУЛОВ**нинг тақдими Божхона иттифоқининг ташқи чегарасида транспорт (автомобиль) назоратини амалга ошириш тўғрисидаги битимнинг (Москва, 22.06.2011 йил) асосий қоидалари мавзусига бағишланди. Унинг маълум қилишича, Евросиё иқтисодий кенгаши Давлатлараро кенгашининг 9.06.2009 йилдаги 9-сон қарорини бажариш учун назоратнинг барча турлари, шу жумладан транспорт назорати, 2011 йил 15 июлдан бошлаб Россия – Қозоғистон чегарасидан Божхона иттифоқининг ташқи чегарасига кўчирилган.

Транспорт назорати функциялари Қозоғистон Республикасининг давлат чегарасидаги ўтказиш пунктларида 2010 йил январидан, Россия Федерациясида – 2011 йилдан бошлаб божхона органларига берилган. Белорусь Республикасида ушбу функцияларни божхоначиларга бериш масаласи ишлаб чиқилляпти. ҚР Транспорт ва коммуникациялар вазирлиги амалдори бугунги кунда БИ ташқи чегарасининг Қозоғистон участкасида ав-

томобилларни ўтказувчи 18 пункт, Россия участкасида – 89, Белоруссия участкасида – 23 пункт жойлашганлигини хабар қилди.

Ҳозирги вақтда БИ ички чегарасида фақат чегара назорати амалга ошириляпти.

Битимга мувофиқ БИнинг ташқи чегарасини кесиб ўтишда БИ иштирокчиси бўлган мамлакатларнинг қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан назорат амалга ошириляпти. Хусусан, рухсат берувчи ҳужжатлар (юришга, оғир вазнли, йирик ўлчамли ва хавфли юкларни ташишга) мавжудлиги, шунингдек оғирлик ва йирик ўлчам параметрларига риоя этилиши устидан назорат ўрнатилган. Қоидабузарлик аниқланган тақдирда транспорт воситасининг ҳайдовчисига йўл қўйилган ҳуқуқбузарликнинг аниқ тури кўрсатилган хабарнома берилади.

Транспорт воситасининг ташқи чегара орқали ўтиши ва аниқланган қоидабузарликлар тўғрисидаги ахборот ҳудудидан ўтиладиган, БИга аъзо давлатнинг транспорт вазирлигига юборилади. Хабарномада транспорт воситасининг бориш йўналиши бўйлаб жойлашган назорат пункти кўрсатилади, у ерга келгач ҳайдовчи қоидабузарлик бартараф этилганлиги исботини тақдим этиши шарт. Бунда БИ назорат пунктларида фақат қоидабузарлик билан бораётган транспорт воситаларига текширилади. Қоидабузарликни бартараф этиш далили ички назорат пунктларида қайд этилади, бу ҳақда Божхона иттифоқи ташқи чегарасининг бутун параметри бўйича ўтказиш пунктлари хабардор қилинади.

Мисол учун, Россия божхонаси Қозоғистонга бораётган Ўзбекистон транспорт воситасини Қозоғистон қонун ҳужжатларига риоя этилиши бобида текширади. Қоидабузарлик аниқланган тақдирда Россия тарафи қоидабузарлик рўйхатини кўрсатган ҳолда энг яқин Қозоғистон назорат пунктига (транспорт назорати постига) электрон хабарнома юборади. Қозоғистон пости ушбу автотранспорт бўйича аниқланган қоидабузарликлар бартараф этилганлигини текширади. Агар улар бартараф этилган бўлса, бу ҳақдаги ахборот Россия тарафига юборилади.

БИ тарафларининг назорат органлари томонидан тегишли ахборот тизимлари яратилган, Россия, Қозоғистон ва Белоруссиянинг ваколатли органлари ўртасида ўзаро ахборот ҳамкорлигининг техник шартлари тасдиқланган.

Ўзбекистон экспортчилари хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҚРда on-line режимда давлат рўйхатидан қандай ўтишлари, ҚР транспорт инфратузилмаси ва логистик тизимини ривожлантириш истиқболлари тўғрисида ахборот, шунингдек Қозоғистон ҳудудига озиқ-овқат маҳсулотлари олиб кирилганда санитария-эпидемиологик талабларнинг, Божхона иттифоқининг божхона чегарасида фитосанитария назоратининг хусусиятлари тўғрисида тушунтиришлар ҳам олдидлар.

Фермерларнинг асосий қисmini сурхондарёликлар ташкил этишини ҳисобга олиб, учрашувда Сурхондарё вилояти экспорт салоҳияти ва биргаликдаги ҳамкорлик бўйича таклифларнинг тақдими ўтказилди.

Гулнора АБДУНАЗАРОВА,
махсус мухбиримиз.



4-бетда

ТРАНСФЕРТ НАРХЛАР ҲИСОБ-КИТОБИ ТЎҒРИСИДА

лойиҳасига ҳавола қилади. Келгусида унинг қабул қилиниши мумкинлиги кишини қувонтиради албатта. Бироқ бундай қонуннинг расмий матни чоп этилгунга қадар солиқ тўловчи трансферт нарх белгилаш масалаларида ғоятда тахминий тарзда мўлжал олиб, барча оқибатларни ҳисобга олган ҳолда ва таваккал қилиб нархларни белгилаши ҳамда солиқларни ҳисоблаб ёзиши керак. Бунда фақат нархларга доир битта эксперт хулосаси билан иш битмайди. Шу сабабли ушбу масалада ёрдам сўраб малакали мутахассисларга (аудиторлар, солиқ маслаҳатчилари, юристлар, баҳоловчиларга) мурожаат қилиш маъқул бўларди, улар ҳатто трансферт нарх белгилаш бўйича қонун ҳужжатлари билан белгиланган бирор-бир кўрсатмалар йўқ бўлган шароитда ҳам, ахборотнинг расмий манбаларидан фойдаланиб, зарур йўналишларни танлаш, трансферт нарх устидан ички ва ташқи мониторингни ўтказиш тизимини ишлаб чиқиш ва бундай нарх белгилаш билан боғлиқ ҳужжат айланишини йўлга қўйишда ёрдам берадилар.

«Трансферт нарх белгилаш тўғрисида»ги қонун қабул қилинаётганда, СКнинг 40-моддасига мувофиқ нархлар ҳисоб-китоби усуллари ҳамда услубларига доир қатъий аниқлик йўқлиги муносабати билан 2010 йилдан бошлаб солиқларни қайта ҳисоб-китоб қилишни истисно этадиган ўтиш даври қоидалари назарда тутилади деб умид қиламиз. Акс ҳолда қонун орқага қайтиш кучига эга бўлмаслиги принципи бузилган бўлади.

БИТИМЛАР ТУРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

СК 40-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларининг маъносидан келиб чиқилганда транс-

ферт нарх белгилаш нуқтаи назаридан олганда ўзаро алоқадор шахслар ўртасида содир этиладиган битимлар назорат қилинадиган битимлар ҳисобланади.

Бунда СК 40-моддасининг иккинчи қисмини бир қадар ишонч улуши билан айнан талқин этиш трансферт нарх белгилаш масаласини солиқ органларининг мансабдор шахслари товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш (харид қилиш билан эмас) билан боғлиқ битимлар бўйича кўтардилар деб тахмин қилиш имконини беради. Бинобарин, ундан келиб чиқадиган барча, шу жумладан солиқларни қўшимча ҳисоблаб ёзиш билан боғлиқ оқибатлар билан биргаликда трансферт нархларни текширишга сотувчилар (товар харидорлари эмас), ижрочилар ва пудратчилар (хизматлар ва ишларнинг буюртмачилари эмас), лизинг берувчилар (лизинг олувчилар эмас) ва ҳоказолар тортилади, деб ҳисоблаш мумкин.

Битимларнинг аниқ турларига келсак, фикримизча, агар бундай битимлар тарафлари ўзаро алоқадор шахслар бўлишса, трансферт нарх белгилаш нуқтаи назаридан олганда уларнинг барча турлари назорат остида бўлиши мумкин.

Шунга эътибор қаратиш лозимки, СКнинг шарҳланаётган моддаси назорат қилинаётган битимлар доирасини истисносиз ташқи иқтисодий экспорт битимларига қадар торайтиради, шу боис трансферт нархнинг адекватлиги масаласини товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш бўйича ички минтақавий битимларга нисбатан кўтариш моҳиятига кўра, юзага келиши керак эмас. Бироқ Ўзбекистон минтақаларининг ўзида солиқ юкининг республикада эркин иқтисодий зоналар пайдо бўлиши тақозо этган фарқлари кўпинча ғоятда сезиларлидир...

Юқорида баён этилганлар муносабати билан қуйидаги ҳол қизиқиш уйғотади. Бир томондан, мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (бажарилган ишлар, кўрсатиладиган хизматлар) экспортини рағбатлантириш бўйича жуда жиддий ва кенг миқёсли чоралар кўриляпти. Бошқа тарафдан эса, Ўзбекистоннинг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари 2010 йилдан бошлаб трансферт нарх ҳисоб-китобининг усулларига доир ноаниқликлар билан бирга янги қоидалар билан тўлдириляпти, бу эса экспортчилар фойдасига сира хизмат қилмайди. Муайян ҳолатларда бу ҳам экспорт ҳажмларининг маълум даражада пасайиши ва хуфиёна чизмалардан фойдаланишни фаоллаштиришга олиб келишга қодир.

«ИЛЛАТЛИ» АЛОҚАЛАР

СК 40-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ қуйидагилар ўзаро алоқадор шахслар деб эътироф этилади:

Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар ва уларнинг чет давлатлар юридик шахслари бўлган муассислари (иштирокчилари, аъзолари);

чет давлатларнинг юридик шахслари ва уларнинг Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар бўлган муассислари (иштирокчилари, аъзолари); муассислари (иштирокчилари, аъзолари) айти бир юридик

ёки жисмоний шахслар бўлган Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар ва чет давлатларнинг юридик шахслари.⁷

Бунда чет эл юридик шахсларининг Ўзбекистонда рўйхатдан ўтказилган (ёки аксинча) юридик шахсларнинг устав фондида иштирок этишнинг қандай миқёси тўғрисида сўз бораётганлиги равшан эмас. Ушбу масалада оқилона чеклашнинг йўқлиги СК 40-моддасининг қоидаларини бирор-бир амалий маънодан маҳрум қилади. Чунончи, АЖ устав фондида жамият акцияларининг бир фоизига (ҳатто битта акцияга) эга бўлган норезидентнинг иштирок этиши мазкур АЖнинг битимдан муайян моддий неъмат оладиган чет эллик контрагент сифатида чиқадиган норезидент билан амалий алоқадорлигини асослаш учун етарли бўлмаса керак. Эҳтимол, бундай позиция айти «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун⁸ 9-моддасининг олтинчи қисмида берилгандир, унга кўра агар жамиятга қарашли овоз берувчи акцияларнинг йигирма фоизидан зиёдроғи бошқа иштирокчи жамиятга қарашли бўлса, бу жамият тобе хўжалик жамияти деб тан олинади.

Ҳозирча бошқа нарса ҳам равшан эмас: «Трансферт нарх белгилаш тўғрисида»ги Қонунда солиқ тўловчиларга янги қоидалар бўйича нарх

белгилашга «мослашиш» (озроқ вақт оралиғи мобайнида бўлса ҳам) имконини берадиган «имтиёзли давр» назарда тутиладими ёки унинг амал қилиши 2010 йилдаёқ амалдаги таҳрирда ЎзР СКнинг 40-моддаси жорий этилиши туфайли ўшандан буён ўтган бутун даврда тузилган экспорт битимларига ҳам татбиқ этиладими?

Бундай ноаниқликлар етарлича, шу сабабли юқорида кўрсатилган шахслар ўртасидаги битимлар бўйича бозор нархларини тасдиқлашга тайёр бўлиш маъқул. Ижобий натижага эришиш учун компания-ғизда трансферт нархларни шакллантириш ва ишлатиш механизми батафсил ишлаб чиқиши керак. Ушбу жараён кўп вақт эгаллаши, исталган вақтда жорий этилиши мумкинлиги боис шошилиш: трансферт нарх белгилаш масаласини ҳал этишга аудит, ҳуқуқ ва солиқ маслаҳати соҳасида тегишли мутахассисларни жалб этинг.

Олег ДАМИНОВ,

«BAKER TILLY
UZBEKISTAN»

компаниялари

аудиторлик-консалтинг

гуруҳининг бошқарувчи

шериғи,

Екатерина АДЕЕВА,

юрисконсульт.

РЕКЛАМА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги 327-сонли қарори ҳамда Тошкент шаҳар хўжалик судининг ҳал қилув қарорларига асосан иловача келтирилган корхоналар тугатилмоқда. Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак тамгалари, шунингдек давлат рўйхатида олинганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари ва барча таъсис ҳужжатларининг асл нусхалари бекор қилинади. Давволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида қуйидаги манзилда: Тошкент шаҳар, Амир Темури кўчаси, 95-уй, Юнусобод тумани Давлат солиқ инспекцияси биноси, 2-қavat, 15-хонада қабул қилинади (тел. 235-87-26). 2 ой мобайнида даъво билан юқорида кўрсатилган манзилга хат орқали мурожаат қилинмаган ҳолда, корхоналар белгиланган тартибда Давлат реестридан чиқарилади. Мурожаат учун телефон: 235-87-26.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг ҳал қилув қарорларига асосан Юнусобод туманидаги тугатилган корхоналар РЎЙХАТИ

Т/р	СТИР	Корхона номи	Хўжалик суди қарори рақами ва санаи
1	201784514	«АУДИТ-ДОБРО» ХАФ	10-0315/2088-Т
2	201822901	«БЕСТ-АУДИТ-ИНФОРМ» АФ	10-0315/2095-Т
3	201252883	«SLAVIYA-SERVIS» МЧК	10-0509/6248
4	200830816	«ИНСОФ» АФ	10-0509/6239
5	200900662	«КОНКУР» МЧК	10-0509/6247
6	202186933	«СКАН-АУДИТ» ХАФ	10-0509/6253
7	201420674	«NURBEK-AUDIT» МЧК	10-0821/5546(21)-Т
8	204094460	«UPAG» МЧК	10-0821/5325-Т(21)
9	202149123	«АККО» АФ	10-0821/5553(21)-Т
10	201349286	«АУДИТ КАРАТ» АФ	10-0509/6234
11	202558904	«IMEXIM SAVDO UYI» ҚК	10-1117/11483(21)-Т
12	202563266	«ПЕТРОБАРТ» ШК	10-0909/8017
13	200550197	«NAYTOV» ҚК	10-0914/14141
14	300973672	«MARBLE TECHNOLOGIES» МЧК ҚК	10-1320/11181
15	201995022	«СИ-Э-ЭНТЕРПРАЙЗ» ҚК	10-1320/11267
16	202595109	«CENTRAL ASIA CHS» МЧК ҚК	10-1320/11182
17	201121420	«ORTOG» МЧК ҚК	10-1320/11265
18	206810944	«UZROSSEL TRADE» ҚК	10-0816/11764-Т
19	204581694	«ELSLUT COTTON PRODUCTION» ШК	11-0806/13435
20	204239974	«GUMI TRADE COMPANY» ХШК	10-0814/5638
21	204176951	«LEMAROS» ШК	10-0921/8155(21)-Т

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2008 йилдан бери Тошкент

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш.,
Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Таҳририят тел. 283-44-27
Обуна бўлими тел. 200-00-30

E-mail: gazeta@norma.uz, normapress@mail.ru

www.norma.uz
Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи назарига мос келмавдими.

Таҳририят муштарилар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.

«Норма маслаҳатчи»да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «Норма» газеталари бирлашган таҳририяти МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета таҳририят томонидан тасвирланган гунолуғиялар ёрдамида «TOPPRINT» МЧЖ босмохонасига босилди. (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс – 186 Буюртма 1116 Агуду 2165. Баҳоюи келишилган нархда
Газета А3 ҳажмида, 4 шартли босма табақчада чоп этилди.

Газета 2013 йил 19 августда соат 18.30 да топширилди.

ISSN 2010-5223